SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 25-MART ■ SESHANBA ■ 39 (27.059) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

Ўзбекнинг боласи ҳеч кимдан кам эмаслиги АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган халқаро турнирда яна бир бор ўз тасдиғини топди



Етти олтин, уч кумуш ва тўрт бронза

Атланта кубоги анъанавий халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди. АҚШ, Германия, Япония, Миср, Канада, Мексика сингари ўндан ортиқ давлатлар ёш спортчилари қатнашган мусобақада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ва жамоавий баҳсларда каратэчиларимиз еттита олтин, учта кумуш ҳамда тўртта бронза медалини қўлга киритишди. Куни кеча эса Тошкент аэропортида ғолиб спортчиларимизни ота-оналар, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги катта тантана, шоду хуррамлик билан кутиб олди.

— Мусобақанинг жамоавий кумитэ беллашувларида ўртоқларим Ҳамза Калонов, Отабек Бойматовлар билан биргаликда кумуш ва шахсий биринчиликда бронза медалларини қўлга киритдим, — дейди турнир совриндорларидан бири Бобур Рўзметов. — Баҳслар натижаси ҳали ўз устимизда кўп ишлашимиз кераклигини кўрсатди. Келажакда ўз маҳоратимни янада ошириб, бундай мусобақаларда албатта ғолиб бўламан.

Эркин ХОЛБОБО

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

Хорижникидан қолишмайди

Бухоро вилоятининг олис туманларидан бири Қоракўлда бугун тадбиркорлар сони беш юздан ошди. Шуниси эътиборлики, уларнинг истеъмол бозорига тақдим этаётган маҳсулотлари бир-бирини такрорламайди. Ота-бобоси дурадгор бўлган Шокир Мирзаев бошчилигидаги «Ғолибмебель» фирмаси жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 25 турдаги маҳсулотга бўлган талаб кун сайин ошяпти.

Шокир Мирзаевнинг таъкидлашича, ҳозир фирмасида ўнга яқин уста-дурадгор иш билан таъминланган. Кейинчалик у махсус чоғроқ корхона тиклаб, мамлакатнинг номдор «Файзмебель», «Қувамебель» ҳиссадорлик жамиятлари билан ҳамкорлик қилмоқчи. Ҳозирча эса Олотдаги махсус интернат учун ўқув жиҳозлари, спорт анжомлари тайёрлаб беришга киришган.

«Ташаббус — 2003»нинг туман миқёсида ўтказилган кўрик-танловида энг яхши тадбиркор деб топилган қўли гул дурадгор Ш.Мирзаев Қоракўл мебелини жаҳон бозорига олиб чиқишни олдига мақсад қилиб қўйгани ҳам унинг Ватанга бўлган муҳаббатидан далолат.

Даврон БАҲРОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

4. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

6. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

7. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

✧✧✧

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Ҳамдардлик

Узоқ йиллар турли масъул лавозимларда самарали меҳнат қилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов вафот этди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик телеграммаси йўллади. Унда шундай дейилади:

Қарши шаҳри, Ўзбекистон Қуролли Кучлари кўчаси, 9«А» уй, Омоновлар оиласига.

Хонадонингиз бошига тушган оғир мусибат — ажойиб, бағрикенг инсон, меҳрибон оила бошлиғи, садоқатли дўст Фармон Омоновнинг бевақт вафоти у кишини танигган-билган, бирга ишлаган барча одамлар қатори мени ҳам чуқур қайғуга солди.

Раҳматли Фармон ака ўзининг фидойи меҳнати, моҳир ташкилотчилик қобилияти, билим ва тажрибаси, ёшларга ғамхўрлиги билан нафақат Қашқадарё аҳлининг, балки бутун элюртимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Оилангиз учун мана шу оғир дамларда Сизларга яна бир бор ҳамдардлик билдириб, Яратгандан сабр-бардош тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

суғорма деҳқончилик ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш;

қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш;

хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларини сақлаб қолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг таклифларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини умумлаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етиштириш прогноз кўрсаткичлари республика ва минтақалар даражасида белгиланади;

б) қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштирадилар;

в) хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Фармоннинг мазкур бандидан келиб чиққан ҳолда амалдаги барча низом ва меъёрларни қайта кўриб чиқсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий шакли сифатида ижара муносабатлари кенг ривожланишини таъминласинлар.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида Бутунжаҳон Сув кунига бағишланган

Халқаро анжуман

Ороли қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги

бўлиб ўтди. Унда БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Конвенцияси иштирокчилари қарорига мувофиқ 1992 йилдан буён нишонланаётган халқаро Оби ҳаёт куни бугунги кунда катта ижтимоий воқеа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 2003 йил БМТ томонидан Сув йили деб эълон қилинганлиги ва бугунги кунда дунё аҳолиси сонининг ўсиши туфайли ичимлик сувидан фойдаланиш ҳажми кўпайиб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, инсониятнинг бугунги тараққиёт даврида сувдан оқилона фойдаланиш ва уни ифлослантирмаслик масалалари янги асримизнинг янги долзарб муаммоларидан биридир. Масалан, жаҳоннинг Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларида сув етишмаслиги доимий жараёнга айланган. Дунё аҳолисининг ҳар ўнтадан тўрттаси тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшамоқда. Аҳвол шундай давом этаверса, келажакда ҳар ўн нафар одамдан олти нафари, яъни 5,5 миллиард нафар аҳоли тоза ичимлик суви танқислигига учраши эҳтимоли бор.

Шу боиси, республикамизда мустақиллик йилларида ер ости ичимлик сув заҳираларини асраш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида бир қатор режали ишлар амалга оширилмоқда. Саноат чиқиндиларининг ер ости чучук сувларига таъсирини камайтириш, келажакда аҳолининг сув танқислигига дуч келмаслиги учун барча сув ҳавзалари муҳофазага олинган.

Анжуманда вазирликлар раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

БИЗНЕС БАНК

BUSINESS BANK

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ҚАРОР ВА ИЖРО

Савдо тизими: ТАЛАБ ТЎҒРИ, ЙЎЛ-ЙЎРИҚ-ЧИ?

Белгиланган чакана савдо қоидалари нега бузилмоқда? Назорат-касса аппаратларининг жойларда ишлатилмаётганлиги ёхуд уларнинг умуман йўқлигига сабаб нима? Товарларнинг квитанциясиз сотилаётганлиги ёки нақд пул тушуми банкларга ўз вақтида топширилмаётганлигига кимлар айбдор?

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил февраль ойида 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган Мажлисида улгуржи савдо бўғини давр талаблари даражасида ишламаётгани, аксинча, зиммасида ҳеч қандай моддий жавобгарлиги бўлмаган майда воситачилар тармоғи кенгайиб бораётганлиги катта ташвиш билан айтилди. Бунинг бош сабабларидан бири — хусусан, кўплаб чакана савдо шахобчаларида НАЗОРАТ-КАССА АППАРАТЛАРИнинг ишлатилмаётганлиги ёки уларнинг умуман йўқлиги ва натижада товарлар квитанциясиз сотилаётганлиги ҳамда нақд пул тушуми ўз вақтида банкларга топширилмаётганлигида эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2002 йил 5 август) қарорида эса шундай дейилган:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилишига алоҳида эътибор берилсин...»

Хўш, ҳукумат қарори жойларда қандай амалга оширилмоқда? Мухбирларимиз вилоятлардаги аҳволни ўрганиб чиқишди.

Касса аппарати яхши-ю, муаммолари бор-да...

— Шоли курмаксиз бўлмаганидай тадбиркорликни «ниқоб» қилиб олиб, ҳалол ва тўғри йўл қолиб, ноқонуний даромад илинжида нопок йўлдан боришдан тап тортмаётганлар ҳам йўқ эмас, — дейди ***Жиззах вилояти солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи Давлат УМАРОВ.*** — Бундайлар ўзларининг ножўя хатти-ҳаракатлари билан иқтисодиётимизга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига зиён-заҳмат етказишмоқда. Мана, масалан, аҳоли билан пулли ҳисобкитоб ишларини амалга ошириш жараёнларида назорат-касса машиналаридан фойдаланишнинг аҳволи кўздан кечирилганда бир талай камчиликларнинг мавжудлиги кўриниб қолди. Йил бошидан буён бу борада жами 36 та текшириш ўтказилган бўлса, уларнинг ҳаммасида у ёки бу даражадаги қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилди. Хусусан, ўттиз ҳолатда мавжуд назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик, ўн беш ҳолатда нақд пул маблағларини ўз вақтида инкасса қилиб, банкка топширмасликка уриниш аниқланди. Текшириш натижаларига кўра ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарган шахсларга нисбатан 23 миллион сўмдан зиёд маъмурий жарима қўлланилди.

Зарбдор туманидаги Агрофирмага қарашли иккинчи нон дўконида ўтказилган текшириш чоғида сотувчи Б.Тиловбековнинг амалдаги тартибни бузган ҳолда сотилган маҳсулотнинг нақд пулини касса машинасига киритмаганлиги ва харидорга чек бермаганлиги маълум бўлди. Жиззах шаҳридаги «Қойил» хусусий фирмасига тегишли дўконда ҳам сотувчи Б.Тўраевнинг савдодан тушган 27,5 минг сўм нақд пулни назорат-касса машинасидан ўтказишни нағадир «унутиб» қўйганлиги фош этилди.

Қайта-қайта айтилишига ва устма-уст огоҳлантиришларга қарамасдан айни пайтда вилоят бўйича 200 дан зиёд тўрғун савдо шахобчасининг назорат-касса машиналарисиз фаолият кўрсатаётгани ташвишли ҳол, албатта.

— Назорат-касса машинамиз бор эди, — суҳбатга қўшилди Дўстлик туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор **Роман Хон.** — Лекин солиқчилар келиб, бундан бир йилча олдин харид қилинган ва тузуккина ишлаб турган машинани ярокисизга чиқариб кетишди. Айтишларича, бу машинанинг «фиксаль» хотираси йўқ эмиш. «Шундай хотирага эга назорат-касса машинаси ўрнатганингиздан кейин ишлайсиз», — дейишди улар қатъий қилиб. Савил қолгур, аппаратиям арзонроқ бўлса, қанийди. Нақд икки юз минг сўм турармиш. Икки юз минг-а!? Энди ҳар йили шунча маблағга янги касса аппарати харид қилишга ҳамма тадбиркорнинг ҳам чўнтаги дош бераверармайди-да.

— Масаланинг яна бошқа бир жиҳатиям кишини ўйлантиради, — дейишди соликчилар. — Айтайлик, олис тоғли қишлоқ ёки овулдаги савдо дўконлари мисолида **бу масаланинг ечими қандай кечади? Очиғи, ҳали электр қуввати етиб бормаган жойлар ҳам йўқ эмас.** Оддий лойшувоқ биноларда фаолият кўрсатаётган тадбиркордан икки юз минг сўмга касса машинаси сотиб олишни ва уни мунтазам ишлатишни талаб қилиш ўринлимикин? Ёки энг яқиндаги банк муассасида 180-200 километр узоқдаги бундай савдо дўконларидан кунлик 5-10 минг сўм нақд пулни банкка олиб келишни қай йўсинда ҳал қилган маъқул? Ушовидан тушови қимматга тушиб кетмайдими?

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

3-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда 2004 йилдан бошлаб барча ширкат ва фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари фермер хўжаликлари тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш жараёнида қуйидаги принципиал қоидаларга амал қилсинлар:

фермер хўжаликлари, қоида тариқасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;

фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;

ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;

фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади;

фермер хўжаликларини шакллантириш учун ер майдонлари бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида Низом билан белгиланади;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар;

фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномаларига асосланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан бирга икки ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

маҳаллий шароитларни, қишлоқ хўжалик ерлари, меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳамда ширкатларни қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш истиқболларини чуқур таҳлил этиш асосида вилоят ва туманлар бўйича яқин йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси;

2003-2005 йилларда қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш Дастури.

6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблансин, бунда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тақсимотчилик вазифаларидан озод қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечиш назарда тутилсин.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини ўтказиш;

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий принципидан ҳавза принципига ўтишни кўзда тутувчи сув ресурсларини бошқариш, шунингдек суғорма сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада татбиқ қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппаратининг тузилмасида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

— пахтачиликни ривожлантириш;

— ғаллачиликни ривожлантириш;

— сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;

— чорвачиликни ривожлантириш;

— ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш;

— қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш.

Тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш Кенгашларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин.

Мазкур Кенгашлар таркибига жамоатчилик асосида етакчи мутахассислар аъзо бўлиб кирадилар. Кенгашларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг аъзолари ҳисобланадилар.

Кенгашларнинг барча тавсиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг мажлисларида муҳокама этилиши лозим, унинг қарорлари ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Кенгашлар ишчи органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда тегишли ташкилотлар билан бирга қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлинмалари тўғрисидаги янги низомлар;

фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати)нинг янги намунавий уставлари.

Ушбу низомларни тайёрлаш чоғида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юритиш субъектининг вазифа ҳамда мажбуриятлари аниқ чегаралаб қўйилиши, ширкат хўжаликларида кадрлар масалаларини ҳал этишнинг демократик шакллари, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг жорий фаолиятига маъмурий аралашувга барҳам бериш кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларни қайта ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги намунавий шартномаларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

Мазкур шартномаларда қуйидагилар кўзда тутилсин:

асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеи;

томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;

маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш ҳамда шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг тартиби ва аниқ муддатларини белгилаш;

шартномавий муносабатлар мазмуни ва моҳиятини бош вазифа — асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундириш;

шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш.

Мазкур шартномалар агротехника тадбирлари амалга оширила бошлашидан кечи билан 1 ой олдин тузилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш ва уларни бажариш чоғида белгиланган норма ҳамда талабларга хўжалик юритувчи субъектларнинг риоя этишлари устидан мунтазам назорат ўрнатсин;

бир ой муддатда, Олий суд ва Олий хўжалик суди билан биргаликда республика минтақаларида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг шартномавий ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий институтларнинг ривожланган тизимини шакллантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини баҳолашда статистик ва молиявий кўрсаткичларнинг амалдаги тизимини ўргансинлар ҳамда ана шу асосда уларни тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсинлар ва бунда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ уларни қисқартириш ҳамда ягона ҳисобот тизимини яратишни кўзда тутсинлар.

Айни чоғда вазирликлар ва идоралар томонидан барча бошқарув поғоналарида қўшимча ҳисобот шакллари жорий этилишига йўл қўйилмасин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Н.Юсупов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 март

Фармон ОМОНОВ

Партиямиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таниқли арбоби, унинг Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Фармон Омонов 2003 йилнинг 23 март куни, 65 ёшида вафот этди.

Фармон Омонов 1938 йилда Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Қозоқ қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди. У 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини битириб, меҳнат фаолиятини Қарши туманидаги жамоа хўжалигида ҳосилотликдан бошлади, 1966 йилда ТҚХИ аспирантурасини муваффақиятли тамомлаб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

Фармон Омонов 1966-1979 йиллар оралиғида Қашқадарё вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасида ва Қарши тумани, Қашқадарё вилояти юқори раҳбарлик идораларидаги маъсул лавозимларда ишлади.

У 1979-1981 йилларда республика Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, 1981-1984 йилларда «Ўзқишлоқкимё» республика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси вазифаларида меҳнат қилди. 1975-1991 йиллар давомидаги турли муддатларда Қарши, Касби, Шаҳрисабз туманлари биринчи раҳбари, шунингдек, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Фармон Омонов 1991 йилдан то умрининг охирги кунларигача Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раҳбари вазифасида муттасил ишлаб келди. У 1991 йилдан партия Марказий Кенгаши ва 1995 йилдан унинг Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси эди.

Фармон Омонов биринчи ва иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, учта чақириқ республика олий қонунчилик-вакиллик идораси ва кўплаб маротаба Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган. У партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси ишида фаол иштирок этди.

Фармон Омонов қаерда ва қайси лавозимларда ишламасин, у ҳамиша юксак масъулият билан ҳамда виждонан меҳнат қилиб, ўз сафдошлари, кенг жамоатчилик, кўплаб ватандошлари ўртасида катта обрў қозонди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон ХДП тузилмаларининг ташкиллаштирилиши, партия сафларининг кенгайиши, уларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўсиши, аҳоли ўртасида танилишида ҳамда жамиятдаги мавқеининг мустаҳкамланишида унинг алоҳида ҳиссаси бор. У мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб ислоҳотларни амалга ошириш ишида фаол иштирок этиб, миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш, юртимизда қарор топган фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини асраш, ёшларни ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ишларига улкан улуш қўшди.

Фармон Омонов ҳалол-пок инсон, билим доираси кенг ва бой тажрибага эга мутахассис, истеъдодли раҳбар эди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнати ва жўшқин жамоатчилик фаолияти «Элюрт ҳурмати» ордени ва бошқа қатор юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Фармон Омоновнинг ёрқин хотираси унинг кўп сонли дўстлари, сафдошлари ва юртдошлари ёдидан ўчмайди.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ИРОҚ: вазият қандай?

АҚШ ва иттифоқчи кучларнинг Ироқни қуролсизлантириш ҳамда Саддам Ҳусайн тузумини ағдариб ташлаб, «Озод Ироқни қуриш» йўлида олиб бораётган ҳарбий-тактик ҳаракатларини дунё жамоатчилиги диққат билан кузатиб бормоқда. Беш қўл баробар бўлмаганидек, мазкур ҳарбий операцияга ҳам муносабатлар турлича. Қайсидир давлат АҚШ бошчилигидаги коалицияга қўшилса, яна қайсинисидир бунга қўшилмаяпти. Бундай бўлиши табиий. Зеро, Ер курраси ягона ва унда яшаётган башариятнинг номи ҳам ягона — «инсон» деб аталгани билан уларнинг дунёқараши, интилиши ва мақсадлари турлича.

АҚШнинг Ироққа нисбатан сиёсатини 35 давлат қўллаб-қувватлаётган эди. Бугун эса уларнинг сони 46 тага етди. Мана улар: Афғонистон, Албания, Австралия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Гондурас, Дания, Доминикан Республикаси, Жанубий Корея, Италия, Исландия, Испания, Коста-Рика, Колумбия, Македония, Маршал ороллари, Микронезия, Монголия, Нидерландия, Никарагуа, Палаа, Панама, Польша, Португалия, Руминия, Руанда,Сингапур, Словакия, Соломон ороллари, Сальвадор, Туркия, Уганда, Филиппин, Чехия, Эритрея, Эфиопия, Япония, Қувайт. Коалиция фаолиятини қўллаб-қувватлаётганлар орасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги мамлакатлар ҳам бор. Улар: Грузия, Латвия, Литва, Озарбайжон, Эстония, Ўзбекистон давлатларидир.

Ҳамюртларимиз Ироқ билан боғлиқ воқеалар жараёнини сезгирлик ва хушёрлик билан кузатиб келмоқдалар. Уруш бошланмасидан бир неча ой илгари, ҳали дунёнинг кўп мамлакатлари АҚШнинг бу борадаги сиёсатига ўз муносабатини билдиришга улгурмаган ёки атайлабдан пайт пойлаб турган вақтдаёқ Ўзбекистон ўз қарашларини очиқ-ойдин маълум қилган эди. Юртбошимиз турли йиғилишларда бу ҳақда аниқ ва қатъий фикр билдирганди.

Куни кеча Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ҳам «узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган хавфли воқеалар», жумладан, «халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига, оммавий қирғин қуролларини ишлатишга тайёр бўлган қабиҳ ниятларга» қандай муносабатда бўлишимиз учун бошимизга тушган синовлардан хулоса чиқаришимиз зарурлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ўйлаб кўрайлик. Шундай ёнгинамизда — Афғонистонда халқаро терроризм, диний ақидапарастлик томир отиб, юртимиз, минтақамиз хавфсизлигига таҳдид солиб турган бир пайтда бу балои азимни ким бартараф этди? АҚШ эмасми?! Толибонлар ҳаракатини йўқ қилиш орқали, аввало, афғон халқининг ўзи жаҳолат ва зулматдан озод этилди. Минтақамизда, дунёда халқаро терроризм содир этиши мумкин бўлган қанчалаб фожиалар олди олинди. Ўшанда айрим давлатлар сиёсатчилари АҚШ Афғонистонни эгаллаб олмоқчи, афғон халқини қириб ташламоқчи дея аюханнос солишганди. Ўша гаплар аламдан айтилгани, АҚШга нисбатан туҳмат бўлганини бутун дунё англаб етди.

Афсуски ҳозир ҳам дунёдаги айрим оммавий ахборот воситаларида АҚШнинг Ироққа муносабатини баҳолашда жазавага тушаётганлар, нохолис фикрлар айтаётганлар учрамоқда. Бу масалада бир-бирини инкор этувчи гаплар бўлмоқда. Масалан, «АҚШ Ироққа қарши уруш олиб бормоқда, мусулмон дунёсига қарши уруш бошланди» каби юзаки, аммо мусулмонлар ҳис-туйғусини қўзғайдиган, оддий одамларни чалғитадиган асоссиз, атайлаб тўқилган гаплар тарқатилмоқда. Бу ўринда ҳам ҳис-ҳаяжонга берилмай, ҳақиқат юзига тик қарашимиз керак бўлади. АҚШ Президенти ва ваколатли бошқа арбоблар бу уруш Ироқ халқига эмас, балки Саддам Ҳусайннинг диктаторлик тузумига қарши қаратилгани, бу тузум халқаро террорчилар билан алоқадорлиги, унинг қўлида оммавий қирғин қуроллари борлиги, агар, Саддам Ҳусайн қуролсизлантирилмаса, унинг инсон ҳуқуқларини поймол этувчи, зўравонлик, тазйиқ ва қатағонга асосланган тузуми ағдариб ташланмаса, оқибати жуда оғир бўлиши кўп бор такрорланди.

Худо кўрсатмасин, тасаввур қилайлик, агар оммавий қирғин қуроллари халқаро террорчилар қўлига тушиб қолса нима бўлади? Ҳар қандай қабиҳ ниятдан қайтмайдиган ёвуз кучлар инсоният бошига не кунларни солиши мумкин? Террорчилик миллат, минтақа танламайди. У дунёнинг исталган нуқтасида ўз қора ниятини амалга ошириш учун қирғин қуролларидан тап тортмай фойдаланишига шубҳа йўқ-ку. Шундай экан, Саддам Ҳусайн АҚШ ҳукумати, халқаро ташкилотлар талабини ўн йилдан ошиқ вақтдан буён бажармай келаётганини қандай баҳолаш мумкин? Ёки тузатиб бўлмас ғожиа юз бергунча кутиб тураверишга керакмиди?

Уруш қурбонсиз бўлмайди, албатта. Ҳар қанча эҳтиёткорлик қилинганда ҳам тинч аҳоли орасида жабрланганлар бўлиши мумкин. АҚШ аскарлари орасида ҳам йўқотишлар бўлиши табиий. Аммо Ироқда соғлом муҳит яратилмаса, соғлом кучлар мамлакатни идора этмаса, эртага инсоният бошига тушиши мумкин бўлган кулфатнинг ҳисобини топиш қийин бўлади.

Терроризм нималиги, унинг афти-башараси-ю, қабиҳ ниятлари бизга яхши маълум. Шунинг учун ҳам биз терроризм, ақидапарастликка қарши курашувчи кучларни қўллаб-қувватлашимиз табиий. Бу йўлда иккиланиш, ортга чекиниш мумкин эмаслиги, стратегик шерикларимиз билан бирга бўлишимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Қуйида ҳарбий операциялар кетаётган ҳудудлардан ва дунёнинг бошқа нуқталаридан халқаро ахборот агентликлари узатган хабарлар билан танишасиз.

***Europa Press.** Агентликнинг Туркиядаги Anatolia ахборот агентлиги манбаларига таяниб тарқатган хабарларига кўра, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Туркия ҳаво кенгликларидан фойдаланишига рухсат этилди. Бу ҳақда Туркия мудофаа вазири Вежи Гонул маълум қилди.*

Эслатиб ўтамиз: аввалроқ АҚШ самолётлари Туркия осмонига киришга бир минут қолганда Туркия ҳукумати самолётлар киришини рад этган ва натижада улар кемаларга қайтиб, сўнг Саудия Арабистони ва Исроил ҳудудлари орқали Ироққа учишган.

***The New York Times**. Ироқ армиясининг 51-мотоўқчи дивизияси қўмондони ва унинг ўринбосари, шунингдек, бутун дивизиянинг 10 мингга яқин аскари қурол-яроқлари билан таслим бўлдилар. Асирларни Австралиянинг Форс кўрфазидаги контингенти қўриқлайди. Шу пайтгача Австралиянинг «Канимбла» жанговар кемасида 50 га яқин Ироқ асири бор эди.*

***Reuters** агентлигининг хабар беришича, Умм-Касра ва Фао туманларида олиб борилган жанглардан сўнг Америка ва Британия ҳарбийлари 400-450 нафар Ироқ аскарларини асирга олган. Улар орасида зобитлар ҳам бор.*

***«Интерфакс».** Ироқнинг Россиядаги элчиси Аббос Халафнинг айтишича, БМТ томонидан жорий этилган «Нефтга озиқ-овқат айирбошлаш» дастури бўйича амалга оширилаётган нефть экспортини Ироқ бутунлай тўхтатди.*

Саудия Арабистони эса дунёга нефть экспорт қилишни янада кўпайтиришга тайёр эканлигини билдирди.

***«Газета.RU».** Ушбу сайтнинг CNN телекомпанияси маълумотларига таяниб хабар беришича, Қувайт чегарасидан Ироққа ҳужум уюштирган иттифоқчи қўшинлар бугунги кунда 160 километргача ичкарилаб кетди.*

***Associated Press**. Коалиция таркибидаги кучлар Ироқ ғарбидаги стратегик аҳамиятга эга икки аэродромни деярли жангсиз эгалладилар. Америка ҳарбий экспертларининг фикрича, Ироқда 100 дан ортиқ турли катталикдаги аэродромлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳарбий аэродромлардир.*

***CNN**. Шунингдек, Басра атрофидаги стратегик аҳамиятга эга нефть қудуғи ҳам эгалланди. Жангда юзлаб Ироқ аскарлари асирга олинди.*

Эслатиб ўтамиз: Ироқ жанубидаги Киркук ва Фао шаҳарлари атрофидаги нефть қудуқлари ҳам иттифоқчи кучлар назоратида

***Associated Press**. АҚШ қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Энн Венеманнинг баёнот беришича, АҚШ Ироқ аҳолиси учун инсонпарварлик ёрдами сифатида 200 минг тонна буғдой, гуруч жўнатмоқда. «Президент Буш Ироқ халқига яна керакли озиқ-овқат ва тиббий дори-дармон жўнатилишини ҳам кафолатлади» дейилади баёнотда. Бу ишлар учун жавобгарлик Халқаро ривожланиш Америка агентлиги зиммасига юкланди.*

Агар керак бўлса АҚШ яна 400 минг тонна озиқ-овқат жўнатишга тайёр эканлигини билдирди.

***«Новости».** АҚШ маъмурияти Нигерия пойтахти Абужадаги ўз элчихонасини ва энг йирик шаҳар Лагосдаги бош консуллигини, шунингдек, ушбу шаҳардаги Америка халқаро мактабини ёпди.*

Буюк Британия ҳам элчихонасида иш вақтини қисқартирди ва мамлакатдаги маданият маркази фаолиятини тўхтатди. Сабаб: Ироқдаги вазият сабаб юзага келиши мумкин бўлган нохушликлардан сақланиш.

Алимқул СУЛТОНОВ

● ЧОРВАЧИЛИК — МУҲИМ ТАРМОҚ

Яйловларда ҳаёт қайнамоқда

Томди — Навоий вилоятининг қоракўлчиликка ихтисослашган олис чўл туманларидан бири. Ўтган 2002 йилда томдиликлар майда моллар бош сонини 13 минг бошга кўпайтиришиб, ҳар юз совлиқдан 110 тага яқин қўзи олишган. Жорий йилда эса улар бу кўрсаткични 112 тага етказишди...

— Қорли-қировли кунлардан беталафот ўтдик, — дейди «Навоийқоракўл» акциядорлик бирлашмаси раиси Фазлиддин Аҳмедов. — Мана, «Томди» ширкат хўжалиги (раиси Кенигис Эрниёзов)ни олинг. Бултурнинг ўзида бу ерда ҳар 100 бош совлиқдан 112 тадан наслдор қўзи олиниб, бир йилда туёқ сони 4761 тага кўпайишига эришилди. Айниқса, тажрибали чўпон Сидиқ Абдурауков «рекорд» қўйди. 613 совлиқнинг ҳар юзтасидан 130 тадан қўзи олиб, унинг 90 фоизини ўстиришга қолдирди. Шартнома шартларини ошириб бажарганлиги учун унга мукофот тарзида 50 та қўзи берилди. «Жанашаруа» ширкат хўжалигидан Исата Сибаев, «Кригатов» ширкат хўжалигидан Нурмурод Элтоевлар ҳам шундай илғор чўлиқлардан

— Томдида тўқсонинчи йиллар охирида атиги 100 нафар чўпон оила пудрати асосида фаолият юритган бўлса, айни кезда уларнинг сони 500 тага етди, — дея гапга қўшилди туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Алмамбек Назаров. — Йиллик умумий даромад 1,5 миллиард сўмга етди. Бунинг 675 миллион сўми соф фойда. Рентабеллик даражаси 82 фоизга кўтарилди. Насиб бўлса, Обод маҳалла йилида умумий даромад миқдори туман бўйича 2 миллиард сўмга етса керак...

Яхши ният. Бунинг учун шу кунларда чорвадорларга зарур истеъмол моллари, махсус кийим-кечаклар, қўшимча ем, техника учун ёнилғи, движок, сув насослари, тракторлар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш каби ишлар диққат-эътиборда турибди. Тўл олиш мавсумини муваффақиятли якунлаган томдиликлар ўстиришга қолдирилган қўзилар парваришини ҳам намунали олиб боришмоқда. Туман яйловларида ҳаёт қайнаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 25 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	575,02
1 Англия фунт стерлинги	1520,18
1 Дания кронаси	138,48
1 БАА дирхами	264,10
1 АҚШ доллари	970,00
1 Миср фунти	169,88
1 Исландия кронаси	12,16
1 Канада доллари	652,28
1 Хитой юани	117,19
1 Малайзия рингтити	255,30
1 Польша злотийси	237,74
1 СДР	1314,38
1000 Туркия лираси	0,56
1 Швейцария франки	697,49
1 ЕВРО	1028,39
10 Жанубий Корея вони	7,76
10 Япония иенаси	80,14
1 Россия рубли	30,91
1 Украина гривнаси	181,84

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Манфаатдорликми ёки мукаммаллик?

Самарқанд вилояти савдо дўконлари ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчаларида ҳам назорат-кассаси машиналари тез-тез алмаштирилмоқда.

— Ҳозир вилоятимизда рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машиналарининг 30 туридан фойдаланилмоқда, — дейди ***вилоят давлат солиқ назорати бошқармаси бошлиғи Ширинбек САФАРОВ.*** *— Шундан 12 тури республикамизда ишлаб чиқарилмоқда. Булар қаторига «Ўз ЭФФ» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Ўзбекистон», «Ўз САМСУНГ» қўшма корхонасида тайёрланган «SAMSUNG-4615-F», «Фотон» ҳиссадорлик жамиятининг «МЕРКУРИЙ 115 Ф-Ўз» русумли назорат-кассаси машиналари киради. Шунингдек, Греция, Россия, Япония, Жанубий Корея, Болгария каби Ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилган 18 тур касса машиналаридан ҳам фойланиш тавсия этилган.*

Ҳамроқул ҚОБИЛОВ, «Дилноза» МЧЖ раиси: *— Очиғи, бу ҳақда (шикоят қилмоқчи эмасман-у) менинг фикрларим кимларгадир ёқмаслиги мумкин. Дастлаб, 1996 йил ROYAL русумли назорат-кассаси машинаси ўрнатдик. Кейин 1998 йил солиқ идоралари ходимлари бу машина талабга жавоб бермайди, дейишганларидан кейин SAMSUNG-ER-100 маркали кассаси машинаси ўрнатдик. Шундан буён ишлатаяпмиз. Шу жараёнда иккала аппаратнинг фарқи нимада эканлигини билмадик. Фақат ортиқча харажат бўлди, шундан кейин ҳам кузатиб юрибман, кўпчилик савдо дўконларида ўша давлат реестрида бўлмаган ROYAL, «Шарп» каби касса машиналаридан бемалол фойдаланилмоқда. Билмадим, назорат-кассаларини алмаштиришдан мақсад нима? Эҳтимол бундан кимдир манфаатдор бўлиши мумкин?*

Самарқанд шаҳридаги «Наврўз» МЧЖнинг 1-сон дўкони мудири Амрилло ЖУНАЙДОВ *билан мулоқотда бўлдик.*

— Дўконимизда сўнгги пайтларда катта ҳажмда таъмир ишлари олиб борилганлиги боис, атиги уч ойдан буён фаолият кўрсатаяпмиз. Ҳозир назорат кассаси машинасининг «ROYAL CMS 118» русумидан фойдаланаяпмиз. Ҳозирча уни ишлатишимизга ҳеч ким эътироз билдирган эмас.

Вилоятдаги қайси тадбиркору қайси савдо аҳли вакили билан суҳбатда бўлманг, масаланинг моҳиятида қандайдир чигаллик борга ўхшайди. Муаммога ойдинлик киритиш учун яна вилоят солиқ бошқармасига бордик.

Равшан НАСИМОВ, бошқарма бўлим бошлиғи:

— Республикамизда назорат-кассаси машиналаридан фойдаланишни тартибга солиш бўйича давлат реестри жорий этилган. Уларни алмаштириш ва давлат реестридаги русумли машиналарни ўрнатишни тартибга солиш фақат ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади...

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида муҳим аҳамият касб этаётган назорат-кассаси машиналарини ўрнатиш ва уни тартибга солишда юзага келган бундай тушунмовчиликлар қандайдир даражада бўлса-да, кишини мулоҳазага чорлайди, албатта. Бот-бот каттагина маблағга харид қилинаётган касса машиналарини ҳадеб алмаштирилиши шартми? Агар шарт бўлса, асосли бўлса, нега одамларга тушунтирилмайди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Марс» илмий маркази тавсияси

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ, Китобдаги «Давр» фирмаси бошлиғи:

— Бир юз олтмиш минг сўмга янги «Меркурий-115» назорат-касса машинасини сотиб олдик. Илгари «SAMSUNG» аппаратини ишлатиб келаётгандик. Энди эса олдинги харажатимизга қуйиб қолдик... Ишқилиб, яна овора қилишмасмикан..?

Дарвоқе, бу ҳозир кўплаб тадбиркорларни безовта қилаётган савол. Мана, қаранг, агар, НКМ — назорат-касса машиналари сотиш билан шуғулланувчи бирор фирма мамлакатимизда энг оз — 500 минг дона касса машинасини ўртача 75-100 минг сўмдан сотганда ҳам қандай рақам келиб чиқади?

Тўғри, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги қарори асосида НКМлардан фойданиш изчил жорий этилганди. Солиқ тизими, нақд пул тушуми, умуман, ҳисоб-китобларни аниқ олиб боришнинг жуда қулай ва ўз навбатида мажбурий чора-тадбирларидан эди бу. Қандай русумдаги ҳисоблаш ускунасидан фойдаланиш назорат-касса машиналарини жорий этиш давлат идораларо комиссияси томонидан тасдиқланарди. Натижада бугунги кун талабига жавоб бермайдиган кўплаб НКМлар мамлакатимизда тарқалиб кетган. Кейинчалик идораларо комиссиянинг 1997 йил 30 апрелдаги рухсати билан айрим хорижий фирмалар маҳсулотидан фойдаланишга ҳам рухсат берилди. 1999 йилнинг 15 майигача рўйхатга олинган 20 турдаги касса аппарати муваққат давлат реестрига киритилганди. Уларнинг 16 тури Японияда, 2 таси Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилганди.

Бугун эса талаб ўзгарди. Эндиликда НКМ рўйхатини тасдиқлаш ваколати Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш мажмуи раҳбарларига берилди. Ҳукуматнинг ***«Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»****ги 2002 йил 5 августдаги қарори асосида фақат фискаль хотирага эга бўлган НКМлардан фойдаланиш қатъий белгилаб қўйилди. Ростига кўчадиган бўлсак, бундай машиналарга эга бўлмаган ташкилот, фирма, тадбиркорлар олдинги сарфлаган маблағларига куйиб қолишди.*

Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармасининг қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлимининг бошлиғи Қурбон АЛЛАЁРОВ*нинг айтишича, янги фискаль хотирали НКМларга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу тартибни бузаётганларга нисбатан ўтган йили 351 та, шу йилнинг январь ойида 33 та далолатномалар тузилиб, жазо чоралари қўлланилди.*

— Очиғини айтсам, — дейди Тошкентдаги «Ниҳол» илмий маркази таркибига кирувчи вилоят ***«Марс» илмий маркази раҳбари Шокир ЖУМАЕВ****, — тўқсон учинчи йилдаёқ тадбиркорларга замонавий ўзгаришларни тушунтира бошлаганмиз. Шу кунгача бирорта ҳам фискаль хотираси бўлмаган НКМни сотмадик. Марказдаги 50 нафар ходимларимиз тармоқларга нафақат НКМ ва компьютерлар етказиб беради, балки операторларни ўқитишади ҳам. Шунингдек, эски машиналарни таъмирлаб беришади. Қолаверса, ҳозир ўз юртимиз — Ўзбекистонда ҳам фискаль хотирали, жуда яхши НКМлар ишлаб чиқарилмоқда. Биз уларни барча ташкилотларга тавсия этган бўлардик. Ишонч билан айтаманки, марказимиз билан ҳамкорлик қилганлар маблағларига куйишмайди. Назорат-касса машиналари давр талаби. Эртами-кечми, барибир унга ўтамиз. Яхшиси, харажатидан қийналмай уларни ҳозироқ олиш керак...*

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Савдо тизими: ТАЛАБ ТЎҒРИ, ЙЎЛ-ЙЎРИҚ-ЧИ?

Белгиланган чакана савдо қоидалари нега бузилмоқда? Назорат-касса аппаратларининг жойларда ишлатилмаётганлиги ёхуд уларнинг умуман йўқлигига сабаб нима? Товарларнинг квитанциясиз сотилаётганлиги ёки нақд пул тушуми банкларга ўз вақтида топширилмаётганлигига кимлар айбдор?

Талаб ҳам, ғамхўрлик ҳам уйғун бўлса...

Сирдарё вилоятининг энг йирик савдо-сотиқ маркази бўлган Гулистон шаҳрида март ойининг бошига қадар чакана савдо билан шуғулланувчи 881 жисмоний шахсдан 500 нафари, 260 нафар юридик шахсдан 220 нафари қайтадан рўйхатга олинди. Шунингдек, Сирдарё шаҳри ва Сирдарё тумани, Боёвут, Оқолтин, Шароф Рашидов туманларида бу борада жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Белгиланган янги тартибга биноан қайтадан рўйхатга ўтишни хоҳловчи жисмоний ҳамда юридик шахслар беш-олти, баъзи ҳолларда 8-10 турдаги ҳужжатларни расмийлаштиришлари лозим. Шулардан энг муҳими — назорат-касса машинасига эга бўлиш.

Ҳозир вилоятда қайта рўйхатга олиш ишларининг бирмунча сустлашиб қолаётганига назорат-касса машиналарига эга бўлиш муаммоси тўсиқ бўлмоқда. Масалан, Сирдарё туманида илгари фаолият кўрсатиб келган 797 нафар жисмоний шахсдан 185 нафари, Янгиер шаҳрида эса 386 тадан эндигина 99 нафари қайта рўйхатдан ўта олгани, вилоятнинг чекка ва қўриқ ҳудудлари —Мирзаобод ва Меҳнатобод туманларида эса ҳозиргача бирорта ҳам жисмоний шахс чакана савдо қилиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаётгани бундан далолат бермоқда. Вилоят бўйича мавжуд 2987 нафар жисмоний шахсдан эндигина 1011 нафари қайта рўйхатдан ўта олди, холос.

Назорат-касса машиналарини топиш кимнинг иши? Албатта, савдогар ва дўкондорлар иши. Биз Сирдарё вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари ***Бўрибой ҚАЛАНДАРОВ****, бошқарманинг қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлими мутасаддилари* ***Олимжон Маматқулов*** *ҳамда* ***Абдумажид Раимбердиев*** *билан мавзуга оид суҳбатларимизда ҳам айнан шу жавобларни эшитдик: яъни, назорат-касса машинаси уларга керакми, уларнинг ўзлари топишсин.*

Бу тўғри гап, албатта. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни оғир ва мураккаб пайтда талаб ва ғамхўрлик уйғун бўлса, мақсадга тезроқ эришилмайдими? Айтайлик, кимгадир касса машиналари қимматлик қилаётгандир? ***Шундай ҳолатда нега уни бир йил ёки ярим йилда тўлаш шарти билан кредитга бериш мумкин эмас?*** *Ёки кимларнингдир у ёқ бу ёққа елиб-югуришга имкони бўлмаётгандир ёхуд қўли калталик қилаётгандир?* ***Нега улар учун вилоятда касса машиналарини марказлашган ҳолда сотишни ташкил этиш мумкин эмас?*** *Тегишли идоралар ва солиқ бошқармалари ҳамда соҳага мутасадди ташкилотлар бу масалалар устида ҳам ўйлаб кўришсалар ёмон бўлмасди.*

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кассани ўйладими, киссани?

Холисанилло айтганда, вилоятда республика Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан белгиланган режа-топшириқни бажариш муддатлари бирмунча орқага сурилди. Режа бўйича акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, қўшма ва хорижий компанияларда эски русумли НКМларни янгиси билан алмаштириш муддати 2002 йилнинг январигача деб белгиланган эди. Афсуски, аксарият ҳиссадорлик жамиятларида бу иш ҳалигача ниҳоясига етмади.

*«Қоракўлматлуботсавдо», «Ғиждувонматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари (**Нуриддин Очилов, Баҳодир Мирзаев**) айби билан ҳалигача ўнлаб дўконларда эски русумдаги давлат реестрига киритилмаган назорат-касса машиналари ишлатиляпти. «Ғиждувонматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 10 та дўкондан бор-йўғи 2 тасида янги НКМлар мавжуд, холос.*

— Биласизми, — дейди ***жамият бош ҳисобчиси Бахшулла РАФИЕВ,*** *— ўзимиз кредит ҳисобига яшаяпмиз. Шу боис ҳозирча имкониятимиз чекланган. «Қоракўлматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятида аҳоли учун кредитга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиниб, тарқатилаётган бир пайтда 2 тагина дўкон учун Ўзбекистон ҳудудида фойдаланишга рухсат берилган «Меркурий» русумдаги назорат-касса машинаси қайсидир фирмадан нақд пулга сотиб олинган.*

— Мазкур машиналарнинг нархи 360 минг сўм, — дейди «Қоракўлматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Ойша Собирова. — Пулини дўкон мудири тўлаган. Биз унга ана шу пулларни «йўлини топиб» қайтариб беришимиз керак.

— «Йўлини» қай шаклда қиласиз? — сўраймиз ундан.

— Агар бир миллион сўм оборот қилсак, шундан 10 фоизини берамиз. Мана, уч ой бўляпти...

Ўша кезда биз дўкон мудири чеҳрасида аллақандай бир ташвиш пайқагандек бўлдик. Ким билади дейсиз, у назорат-касса машинасини ўйладими ёки унга киссасидан кетадиган пулиними?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: тадбиркорлар ўзи НКМларни қаердан олиши керак? Машиналарнинг янгисига кафолат борми? Эскисини нима қилсин?

Очиғини айтадиган бўлсак, бу масаладаги тушунтириш, тарғибот ишлари вилоятда унчалик яхши эмас. Давлат солиқ инспекциялари ходимлари масалани қоғоздагина ҳал қилиб қўйишган, шекилли. Йўқса, вилоят марказида фаолият кўрсатаётган «Бухоро» электрон техника марказини ҳамма тадбиркор билган бўларди!

— Марказ 1994 йилдан буён фаолият кўрсатади, — дейди бош ҳисобчи Шуҳрат Алимов — Олот, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувонда филиалларимиз бор. Биз асосан Тошкентдаги «Фотон» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлик қиламиз. Бир дона «Меркурий-112 Ф-Ўз» назорат-касса машинасини 190 минг сўмдан сотамиз. Ҳозиргача шундай машиналардан 320 тасини рўйхатдан ўтказдик.

— Эски НКМларни қабул қилиб олиб, керакли корхоналарга қайта ишлашга юбориш ҳақида ҳам фикр борми?

Бу саволимиз жавобсиз қолди. Зеро, янги НКМлар ўрнатилиши билан минглаб эски русумдаги касса машиналари ҳозир омборларда чанг босиб ётибди.

— Шахсан бизда, — дейди ғиждувонлик тадбиркор, «Гуласал» хусусий савдо дўкони сотувчиси ***Ғайрат Бафоев.*** *— Бунақа машинадан 2 таси ётибди. Уларни ҳам пулга олганмиз, ахир...*

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НКМни қўллаш тартиби қандай?

Юқоридаги хабарлар асносида туғилган ушбу саволимизга ***Тошкент солиқ коллежи ўқитувчиси Марҳабо ИСРОИЛОВА*** *қисқача бундай жавоб қилди:*

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида»ги 1994 йил 26 декабрь 621-қарорига мувофиқ аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида амалга ошириладиган тартиблар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ҳаракат дастуридир. Назорат-касса машиналари қўлламасдан амалга ошириладиган иловага кўра айрим корхона ва муассасалар тоифаларигина бундан мустасно.

Назорат-касса машиналари корхоналар жойлашган ердаги солиқ инспекциясида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади ва махсус реестр юритилади, унда корхона (эгасининг) номи, назорат-касса машиналари ҳолати учун масъул шахс, назорат-касса машинаси рақами, фискаль электрон хотира маълумотлари ва ҳоказолар қайд этилади.

Назорат-касса машинасида носозлик аниқланганда ушбу машиналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича ўзаро шартномалар тузилган тегишли техник марказларга билдирувнома юборилади. Уларни тузатишга қадар солиқ органи рухсатисиз савдо амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Барча НКМларга мажбурий тартибда назорат чек тасмаси ва фискаль электрон хотираси ўрнатилади.

Аҳоли билан ҳисоб-китобларни НКМ ёрдамида (дебет ва кредитларни пластик карточкаларга кўра амалга оширадиган корхоналар) харидорларга мажбурий тартибда ундан нақд ва нақд бўлмаган (ўтказиб берилган) пул қабул қилинганлигини тасдиқловчи чек бериши шарт. Чекларда эса фирма (корхона)нинг номи, буюмнинг номи ёки шартли белгиси, нархи, тўлаш санаси, НКМларнинг рақамлари каби реквизитлар кўрсатилган бўлади.

Касса операцияларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган тартиб ва Ўзбекистон Республикасида касса операцияларини юритиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳар бир иш куни охирида қайднома тузилади ва унда кўрсатилган суммалар ҳисоблаб чиқилади. Қайднома дўкон эгаси ёки раҳбар, кассир, бухгалтер имзо чекади. Умумий суммага битта кирим ордери ёзилади ва қайднома билан бирга касса ҳисоботига илова қилинади. Шундан сўнг бухгалтерга топширилади. Қайднома бланклари қатъий бланклар ҳисобланади.

Товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш жойларида аҳоли (харидорлар) билан ҳисоб-китоб ишлари НКМ орқали амалга оширилган чоғда нақд пул маблағлари тўлиқ ҳисобга олиниши устидан Ўзбекистон Республикасининг солиқ органлари назорат олиб боради.

Айни шу талабларга риоя этилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ жазо чоралари қўлланилади. Ундирилган жарималарнинг суммалари белгиланган тартибда бюджет маблағи тасарруфига киради.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Иқтисодий СТРАТЕГИК мақсадларимиз ижроси йўлида улгуржи савдо базалари, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида жорий этилаётган НАЗОРАТ-КАССА АППАРАТЛАРИ шубҳасиз, мамлакатимизда пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш борасида катта аҳамиятга эга. Қолаверса, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан (2002 йил 5 августда) тасдиқланган республика Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастурининг амалга ошишида энг тўғри йўл ва энг адолатли механизм ҳамдир.

Бироқ, бутун мамлакатимиз бўйлаб назорат-касса аппаратларининг алмаштирилиши туфайли келиб чиқаётган айрим тушунмовчиликлар, ортиқча сарф-харажатлар ва сотувчилар ҳамда харидорлар ўртасида юзага келаётган муаммолар ҳам, назаримизда, ечимталаб масалалар қаторига киради. Негаки, бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Ва яна бир мулоҳаза: аксарият хориждан келтирилаётган ва русумлари тобора ўзгариб кетаётган НКМ туркумларини ўзимизда — Ўзбекистонда ҳам кенг, оммавий, хорижникидан қолишмайдиган ҳамда рақобатбардошли қилиб ишлаб чиқариш мумкин эмасми? Олдинги русумли НКМларни даврбоп русумларга мослаштириш, дастурлаш, таъмирлаш ҳақида ўйлаб кўрилса бўлмасмикин?

Мутасадди идоралар, муассасалар, шунингдек, олимлар, конструкторлар, олий малакали ва олий тоифали инженер-техник мутахассисларимиз нима дейишаркин?

Саҳифа материалларини «Ўзбекистон овози» мухбири Номоз САЪДУЛЛАЕВ умумлаштирди.

ХДП ХАБАРИ

Ёшлар тарбиясига эътибор

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор бериш бугуннинг муҳим масаласига айланган.

ЎзХДП Сирғали туман кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Чоштепа» маҳалласида тадбир ўтказилди. Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси Шерзод Абдуқодиров, туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими, милиция капитани Зоҳид Кабиржонов, туман прокурори ёрдамчиси Камолиддин Бурхонов, прокуратура ходими Роза Ибрагимова, туман мудофаа бўлими иккинчи қисм бошлиғи Ўктам Худойберганов, маҳалла қўмитаси раиси Дилором Бекназарова, ЎзХДП Сирғали туман Кенгашининг биринчи котиби Лола Исматовалар мазкур йиғиннинг моҳияти ва ёшлар тарбиясига оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шуҳрат ҚУРБОНОВ

Университетда байрам

Мамлакатимизда Наврўз нафаси кезмоқда. Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон миллий университет жамоаси ҳам байрамни кўтаринки руҳ билан қарши олди. Эрта тонгдан карнай-сурнай наволари ҳаммани байрамга чорлади.

Таниқли хонандаларнинг куй-қўшиқлари, талабаларнинг «Шаввозлар» театри аъзоларининг чиқишлари, турли факультетларнинг бадиий жамоалари дастурлари байрамга файз бағишлади. Концертдан сўнг ҳамма байрам дастурхонига таклиф қилинди. Баҳорий таомлар сумалак, кўк сомса, ош тортилди.

Тантаналар спорт мусобақаларига уланиб кетди. Шахмат-шашка, тош кўтариш, арқон тортиш баҳслари ҳамда мини футбол мусобақаларининг якунловчи қисми ўтказилди. Унда география факультети жамоаси биринчи ўринни олди. Ҳуқуқшунослик ва фалсафа факультети талабаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Хуллас, байрам жуда мароқли ўтди.

Илҳом ИБРОҲИМОВ,
ЎзМУ фалсафа факультети талабаси

Кичкинтойлар қувончи

Барча айёмлар аслида кичкинтойларники. Шодиёна кунларида уларнинг қувончлари дарё каби тошади. Бу ёруғ оламда бола кулгусидан ортиқроқ самимият йўқ.

Самарқанд вилояти прокуратураси жамоаси Наврўз арафасида савобли ишга қўл урди. Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Акбар Азизов ташаббуси ҳамда ҳомийлар ёрдами билан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида болалар учун байрам тадбири уюштирилди. Уч кун давомида 2500 нафар ўғил-қизга дастурхон безатилиб, уларнинг ҳар бирига бош оёқ-кийим-кечаклар ҳадя этилди.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

«КАРБОНАТ» ОТАЖ акциядорлари диққатига!

«Карбонат» ОТАЖ акциядорларининг 2002 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 31 март куни соат 10.00да Жиззах шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 62-уйда ўтказилади:

Кун тартиби:

1. Республика Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонига асосан Низом жамғармасини шакллантириш ёки жамият мулкчилик шаклини ўзгартириш.
2. Жамият Кузатув кенгаши ҳисоботи.
3. Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш.
4. Ижроия органининг 2002 йил якуни бўйича ҳисоботи ва дивидендлар тақсимоти.
5. Жамият бошқарув раиси ваколатини узайтириш ёки қайта сайлаш.
6. Президент Фармонига асосан таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.
7. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти якунлари бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш.
8. Бошқа масалалар.

Жамият Кузатув кенгаши

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 25 апрель ҳамда 2,16,23 май кунлари кимошди савдоларини ўтказади.

Савдоларга 1-Тошкент давлат медицина институтига қарашли, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, фойдали майдони 5333,0 кв метр бўлган 4 қаватли собиқ 7-сонли ётоқхона биноси қўйилади.

Бошланғич нархи — 125 334 300 сўм.

Кимошди савдоларига қўйилган объектларга аризалар савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгор шахс объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдорида гаров пули тўлайди.

Савдо ўтказиладиган манзил:
Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16 А.
Мурожаат учун манзил:
Токшент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

● ФУТБОЛ

Кутилмаган натижалар

Якшанба куни олий лига жамоалари иккинчи тур учрашувларини ўтказишди. Ушбу тур ўйинлари мухлисларга бир қатор кутилмаган натижалар ҳадя этди.

Ўтган мавсум чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида дастлабки очкони бой беришига бир баҳя қолди. «Андижон» футболчилари билан ҳужумкор руҳда кечган баҳсда пахтакорчилар кичик ҳисобда ғалаба қозонишди – 1:0. Ягона тўпни ўйин тугашига ўн дақиқа қолганида пахтакорчи Ярослав Крушельницкий киритди.

XII миллий чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлардан бири деб эътироф этилаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси эса ўз ишқибозларини ранжитди. Кутилмаганда қаршиликлар Қувасойда олий лига дебютанти «Цементчи»га ютқазиб қўйди – 1:2.

Бир неча йиллик танаффуздан сўнг кучлилар қаторига қўшилган «Гулистон» футболчилари ўз ҳисобларига биринчи ғалабани ёзиб қўйишди. «Самарқанд-Д» жамоаси билан ўтган учрашувнинг 14-дақиқасида Мурод Жалилов томонидан киритилган ягона тўп гулистонликлар ғалабасини таъминлади.

Турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сурхон» – «Қўқон-1912» – 2:1, «Дўстлик» – «Бухоро» – 1:0, «Машъал» – «Нефтчи» – 1:2, «Металлург» – «Навбаҳор» – 1:1, «Қизилқум» – «Трактор» – 4:1.

Учинчи тур учрашувлари 6 апрель куни ўтказилади.

Эҳтиёт чоралар кўрилмоқда

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тарқатган хабарларга қараганда, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида тарқалган нафас олиш аъзоларининг ўткир (пневмания) яллиғланишига ўхшаб кетадиган номаълум касаллик туфайли ҳаётдан кўз ёмганлар сони 16 нафарга етди.

— Айни вақтда, даставвал ўткир пневманиянинг хавфли кўриниши деб тахмин қилинган касалликнинг тарқалишига микроб эмас, балки гриппнинг аввал аниқланмаган, номаълум тури ҳам сабабчи бўлиши мумкин деган фикрлар ҳам мавжуд, — деди Давлат Санитария ва эпидемология департаменти раиси ўринбосари Боқижон Маткаримов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бугунгача бизнинг мамлакатимиз ҳудудида мазкур инфекцияга чалиниш ҳолатлари мутлақо қайд этилгани йўқ. Шунга қарамасдан, касаллик кузатилган давлатлардан келиши мумкин бўлган йўловчиларни эътиборга олиб, бу хавфни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқдик.

Тошкент аэропортидаги санитария назорати пунктида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан келаётган йўловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, самолётларни дезинфекциялаш ишлари мунтазам бажарилаяпти. Шунингдек, тиббий кўрикда касалликка чалинган йўловчиларни жойлаштириш учун уч ўринли махсус хона ҳам тайёрлаб қўйилди.

«Туркистон-пресс»

Ҳикматли сўзлар маъноси

«Билдим» дедим — тутилдим, «билмадим» дедим — қутулдим

Мажозий маъноси: «Ҳар бир нарсага гувоҳлик бераверма, мен биламан, мен кўрганман, деяверма, акс ҳолда бошинг ғалвага қолади, қайта-қайта сўрайвериб, ҳоли-жонингга қўймайдилар, овора қиладилар, қимматли вақтингни оладилар», дейилмоқчи. Вар.: «Кўрдим» дедим — тутилдим, «Кўрмадим» дедим — қутулдим»; «Кўрдим» деган — кўп сўз, «Кўрмадим» деган — бир сўз; «Бале» дедим — банд бўлдим»; «Қочган қутулар, турган тутилар».

Бир йигит қирқ йилда бино бўлади

Йигит — бу ерда «чин инсон, ҳар тарафлама етук одам», маъносида ишлатилган. «Киши дунёда қирқ йил яшаганидан кейингина ҳар жиҳатдан камол топади, ҳаётининг пасти-баландига тушунади, уйланиб, бола-чақалик бўлиб, ҳақиқий ҳаёт йўлини топиб олади», дейилмоқчи.

Бир кун туз ичган жойга — қирқ кун салом

Вар.: «Тўйган ерга — тўққиз кун таъзим»; «Тузини ичиб, тузлуғига тупурма»; «Бир кунги танишга минг кун салом бер». Булар билан: «Яхшилик кўрган ерингни, одамингни асло унутма, унга сира ҳам ёмонликни раво кўрма, уни ҳамиша ҳурмат қил», деб ўгит берадилар.

Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар

Оилада бўлар-бўлмасга жанжал қилавермаслик, айниқса эр билан хотин аҳил бўлиши зарурлигини уқтирувчи мақол. Вар.: «Бир кун урушганнинг қирқ кун насибаси кесилади»; «Жанжалли уйда барака бўлмас»; «Жанжалли уй-азобли гўр»; «Шубҳали уйда тўша бўлмас» (тўша — сафар учун ҳозирланган озиқ-овқат, жабдуғ-жамғарма. «Эр-хотин бир-бирига ишонмаса, бир-биридан шубҳа қилса, уйда тўша, яъни барака бўлмайди», дейилмоқчи); «Оила аҳил бўлса, тоғдагини олдирар, Оила ноаҳил бўлса, қўлдагини олдирар»; «Оила аҳил бўлса, омад ўз оёғи билан келади».

Гул гўзаллик тимсоли, юрт чиройи. Кўклам кунлари ўтқазилган дарахт кўчатларию гуллардан кўнгиллар баҳра олади. Жаннатмакон Ватанимизга меҳримиз ортади. Андижон кўчатчилик корхонаси жамоаси вилоятимизни боғу бўстонга айланиши, ҳар гўшаси гулларга бурканиши учун астойдил меҳнат қиляпти. 150 минг туп мевали дарахт кўчатлари, 40 минг туп атиргул, 500 минг туп чиннигул сингари турфа гуллар етиштириш барчанинг эзгу мақсади. Иссиқхоналарда парваришланган гул кўчатлари буюртмага биноан жойларга етказиб бериляпти. Ҳар дамда, ҳар жойда кўклам, наврўз нафаси уфуряпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Суратда: *гулчилар — Илхомжон Мамарасулов ва Фотимахон Содиқова гул кўчатларини саралашяпти.*

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

● ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Қабоҳат

ДЗЮДО КУРАШИ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ, «СУРХОН БАРЧИНИ» ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН СПОРТЧИ ҚИЗ ҲАЁТИГА НЕГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ? БУ ВАҲШИЙ ЖИНОЯТНИ КИМЛАР СОДИР ЭТГАНДИ?

Инсоннинг бунчалик тубанликка боришига ишонгинг келмайди. Яратганнинг мўъжизаси — коинотнинг олий ҳилқати бўлган одамзот наҳс ботқоғига ботиб, бундай жирканч ишларнинг қулига айланганини ақлга сиғдириш қийин... Ё алҳазар, дея ёқа ушлайсан киши. Номусга тажовуз, умрга зомин, талон-торожлик...

... Муқаддас 21 ёшида тажовуз қурбони бўлди. Уни бўлғуси қайнотаси ваҳшийларча ўлдирди. Қизнинг орзулари саробга айланди. Оппоқ либос кийиб, гўзал келин бўлиш унга насиб этмади, гўшангага етолмади. Барча умидлари, ниятлари тупроққа кўмилди.

2001 йилнинг 28 февралида Шўрчи деҳқон бозорига кетган Муқаддас Қаршиева уйига қайтмади. Орадан 117 кун ўтгач — 23 июнда қишлоқдаги ҳовлидан унинг кафансиз кўмилган мурдаси топилди.

Хўш, нега унга қасд қилинди? Бегуноҳ қизни шафқатсизларча қийнаб ўлдириш кимга керак бўлиб қолди?

— Тўрт ойга яқин уни изладик, — дейди марҳуманинг онаси Турсун Жалилова зор-зор йиғлаб. — Дарак бўлар, деб тунлар бедор ўтди. «Тиқ» этса эшикка термулдик. Қисмат-да, ўз оёғи билан кетган қизимнинг мурдаси келди. У Шерали деган йигитни ёқтирарди. У ҳам қизимни... Аммо, йигитнинг отаси Гулбой Умбаров инсон эмас, ваҳший экан. Буни пешонам тошга тегиб, қизимдан жудо бўлганимда тушундим. Наҳотки, пок-покиза қизимдан шундай ўч олсалар?..

2001 йилнинг февраль ойида Гулбой Умбаров қора, жирканч режани тузади. Асл мақсад — ўғли Шерали ва Муқаддаснинг келажакда турмуш қуриш режасини барбод қилиш эди. У ўзининг Эшонқул Мардиев ва Ўктам Қобилов деган гумашталари билан жиноий тил бириктиради...

Судланувчи Манзура Мамасаидованинг суддаги кўрсатмасидан: «Шўрчи деҳқон бозорида мева-сабзавотлар билан савдо қилардим. 2001 йилнинг 26 февраль куни қариндошим Гулбой Умбаров бозорга келиб, «Манзура, сен Шерали яхши кўрган қизни танийсан. Уни бир кун уйингга олиб боргин, у билан гаплашай» деди. Қариндошимга эртадан кейин тушликда олиб бораман, деб ваъда бердим. Ўша куни тахминан соат 12-12.30 да машинада уйга бордик. Соат 13.30 ларда Гулбой Умбаров, Эшонқул Мардиев ва Ўктам Қобилов ҳам келишди. Дастурхон ёзиб, чой дамладим. Улар ўзлари олиб келган арақни ичишди. Орадан бир муддат ўтгач, ошхонага ўтдим. Ортимдан Ўктам Қобилов чиқди. Даҳлизда у билан ... алоқада бўлдик. Илгаридан «дон» олишиб юрганимиз боис, рози бўлдим. Кейин яна меҳмонларнинг олдига кирдик...»

Жирканчлик, қабиҳлик ботқоғига ботган гуруҳ аъзоларини «шайтон суви» ақлдан ҳам оздира бошлади. Кайфу сафодан қутурган Гулбой Умбаров ўзининг қабиҳ ниятини амалга ошириш учун Муқаддас Қаршиевага: — «Сен ўғлимнинг тенги эмас, фоҳишасан. Бўлмаса, бу ерга келмасдинг. Ҳозир бузуқ қиз эканлигингни исботлаймиз», — дея ҳақорат қилади. Таҳқирга чидай олмай ўрнидан турган Муқаддасни олдиндан тайёрлаб қўйилган болға билан бошига бир неча марта уради. Зарбалар қизни йиқитади... Инсоний туйғусини йўқотиб, йиртқичлашган Эшонқул Мардиев ва Ўктам Қобиловлар қонга беланган хонада беҳуш ётган ожизанинг қизлик номусини поймол қилишади. Бу жирканчликдан ҳам кўнгли тўлмаган Гулбой жиноий шерикларига жон талвасасида инграниб ётган Муқаддасни тик ҳолатда ушлаб туришни буюради. Ўктам Қобилов эса унинг орқасига пичоқ уради... Жон таслим қилган қизнинг кийимларини ечиб, тандирда ёқишади. Унга тегишли бўлган бир жуфт сирға, икки дона узук, бир дона занжир — жами 282 минг сўмлик тилла тақинчоқлар Манзура Мамасаидовага қолдирилади. Мурда эса ҳовлида тайёрлаб қўйилган чуқурга кўмилади. Муқаддас кўмилган чоҳ устига кейинчалик омборхона қурилади. Шу-шу жиноят изи кўмилгандек, энди уни ҳеч ким тополмайдигандек туюлганди.

— Ўшанда аросатда қолгандим, — давом этди Манзура Мамасаидова. — Мурданинг арвоҳи туну кун мени таъқиб қиларди. Кўзимни юмдим дегунча унинг қонга беланган жасади, тўлғониб инграши, онажон-онажон... деган илтижолари қалбимни тилка-пора айлади. Кўмилган мурдани олиб кетишларини илтимос қилиб, бир неча марта Гулбой Умбаровга учрашдим. У рози бўлмай, аксинча, сирни очсам Муқаддаснинг қўйига тушишимни бот-бот уқтирди. Энди мен учун икки йўл — ё ўлим, ёки бир умр арвоҳ билан яшаш қолганди. Шундай қилиб, бегуноҳ қиз шарпаси менга «ҳамроҳ» бўлди. Баҳор келиб, кунлар исиб кетди. Мурда сасимасин, деб куноранинг «қабр» устига сув сепардим...

...Ушбу «жиноий операция» учун Гулбой Умбаров ўз шериклари — Эшонқул Мардиев ва Ўктам Қобиловларнинг ҳар бирига бир миллион сўмдан пул беришга ваъда қилганди.

Юлдуз Қаршиева, марҳуманинг опаси: — Синглимни изламаган жойимиз қолмади ҳисоб. Деҳқонобод, Бойсун, Денов, Термиз, Шеробод... Ўз отасининг қилмишидан бехабар Шерали Умбаров ҳам бир неча марта биз билан бирга борди. Афсус, тополмадик.

2001 йилнинг баҳорида Манзура Мамасаидова узукни Гулбаҳор Назарова деган аёлга сотаётганлигини бозорда кўриб қолдим. Маълум бўлишича, бу аёл битта узукни 28 минг, тилла занжирни эса 65 минг сўмга сотиб олган экан. Шундан сўнг яна туман прокурори — Маҳмуд Жўраевга мурожаат қилдик. Қилни қирқ ёрувчи ходимлар уззукун меҳнат қилишди. Сингилжоним орзулари ҳам чексиз эди: — Насиб этса, ҳали жаҳон чемпиони бўламан, юртимиз байроғини баланд кўтараман, — дерди у ҳар гал.

Шўрчи туман суд-тиббий экспертизаси эксперти Умар Жабборов: — 2001 йилнинг 23 июнида прокуратура ходимлари билан Шўрчи туман, «Ободон» ширкат хўжалигининг «Шалдироқ» қишлоғида яшовчи Манзура Мамасаидованинг ҳовлисида кўмилган жасадни қазиб олишда иштирок этдим. Мурдани ўликхонага олиб бордик. Текширув жараёнида унинг боши ва юз қисмига қаттиқ жисм билан уриш натижасида бош суяги ҳамда пастки жағининг синиши, кўкрак қафасига орқадан санчилган тиғ ўлимга сабаб бўлганлиги аниқланди...

...Видеотасмада муҳрланган лавҳаларни кўриб оғир ўйга чўмади киши. Экранда қад-қомати келишган, хушрўй, лобар қиз... У Жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилган эди. Кўнглида яна қанчалаб умидлари бор эди... Бу лавҳалар Муқаддасдан ёдгорлик бўлиб қолди.

...2003 йилнинг 14 январь куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган гуруҳ аъзолари устидан ҳукм ўқилди. Гулбой Умбаров олий жазо — ўлимга маҳкум этилди. Эшонқул Мардиев 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ўктам Қобилов, Икром Мўминов, Манзура Мамасаидова ҳам қилмишларига яраша жазоланишди.

Тўғриси, жазо қандай бўлишининг энди Муқаддас учун аҳамияти йўқ. Жиноятларга ҳар қандай оғир жазо қўлланмасин, Муқаддас қайтмайди. Лекин, бир оғир савол кишини қийнайди. Нега бу жиноят содир бўлди? Бундай жирканчликка қўл уриш инсон зотига, мўминмусулмонга хосми? Гуноҳи азимга ботган Гулбой Умбаров қайси виждон, қайси ақл билан бундай нокас, дину диёнатсиз қароргa келди? Унинг ҳамтовоқлари, шишадошлари-чи? Бундай жиноят, қабиҳлик учун қонун олдида ҳам, Яратганнинг олдида ҳам жавоб бериш керaклигини нега ўйлашмади? Ёки ҳеч ким билмайди, дея хомтама бўлишгандими?..

Хўш, оқибати нима бўлди? Ўзлари ўз ҳаётлари томирига болта уришди, ўз оилалари, фарзандлари шаънини булғашди, юзларини ерга қаратишди. Энг ачинарлиси, ҳеч кимга уларнинг бирортасига ёмонлик қилмаган ёшгина, бегуноҳ қиз нобуд бўлди. У ёввойилик, ваҳшийлик қурбони бўлди. У жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилганди, чемпион бўлмаган тақдирда ҳам бир этак фарзанд етаклаган бахтиёргина бир она бўларди-ку! Афсус...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Открытое акционерное общество «Курилиштранс»

проводит общее собрание акционеров, которое состоится 25 апреля 2003 г. в 7.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Дружбы Народов, 57

ПОВЕСТКА:

- Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков.
- Распределение прибыли
- Перевыборы Наблюдательного Совета.
- Перевыборы Ревизионной комиссии.
- Перевыборы правления.
- Конвертация привилегированных акции в простые.
- Внесение изменений в учредительные документы.

БАЛАНС НА 1 ЯНВАРЯ 2003 ГОДА

АКТИВЫ	Тыс.сум
Текущие активы	198521
Денежные средства и краткосрочные вложения	1638
Расчеты с дебиторами	182690
Товарно-материальные запасы и прочие активы	11106
Расходы будущих периодов	3087
Внеоборотные активы	37585
Основные средства и нематериальные активы	36025
Прочие активы	1560
БАЛАНС	236106

ПАССИВЫ	Тыс.сум
Обязательства	142244
Займы и кредит	62772
Кредиторская задолженность	79472
Собственный капитал	93862
Уставный капитал	41033
Добавочный капитал	13008
Резервный капитал	7306
Нераспределенная прибыль	4387
Целевое финансирование и поступление	28128
БАЛАНС	236106

ЗАКЛЮЧЕНИЕ АУДИТОРСКОЙ ФИРМЫ АКЦИОНЕРАМ ОАО «КУРИЛИШТРАНС»

Валюта баланса 236106 тыс.сум. — подтвержено

Бух.учет ведется с соблюдением требований положения о бух. учете Республики Узбекистан. Аудит проведен 24 февраля 2003 года ООО «Аудит-Качество»

Наблюдательный совет ОАО «Курилиштранс»

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ПО ОАО «КУРИЛИШТРАНС»

Порядковый № сообщения — 07.

Наступление даты закрытия реестра.

ОТЧЕТЫ О ПРИБЫЛЯХ И УБЫТКАХ за 2002 ГОД	
Чистая выручка от реализации	529733
Налоги и платежи с выручки	88289
Прочие доходы	528
Дивиденды получ.	560
Затраты	427366
Прибыль до уплаты налогов	15166
Налоги из прибыли	15064
Чистая прибыль	102

Дата принятия эмитентом решения по дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг — 24.03.03г.

Дата на которою составляется список владельцев ценных бумаг — 25.03.03г.

«Эски Жува универсал бозори»

Очиқ акциядорлик жамиятининг бошқаруви

шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятнинг 2002 йил иккинчи ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматига нисбатан 40,45 фоиз тўланади.

Акциядорлар 2003 йил 26 апрелдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши биринчи котиби

Фармон ОМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши Тафтиш комиссиясининг раиси Акром Хайрутдинович Нуритдиновга онаси

ЛАЗИФА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA